



ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 сентябрь кuni

Ўсимликлар карантини соҳасидаги ислоҳотлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар ва экспорт сибсатининг асосий мақсади – мамлакатимиз маҳсулотларини жаҳон бозори талабларига мослаштириш. Шунинг учун, ўсимликларни ҳимоя қилиш йўналишини ислоҳ қилиб, ўсимликлар карантини инспекцияси ташкил этилди. Халқаро стандартларни жорий этиб, экспортга қўмаклашиш, хорижий давлатлар билан битимлар тузиш, ўсимликлар клиникаси ва биологриялар ташкил қилиш, шунингдек, соҳага илм-фан ютуқларини олиб кириб, малакали кадрлар тайёрлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги дастлабки қадамлар натижа-сида 19 давлатга 78 хил маҳсулотни экспорт қилиш учун рўхсатномалар олинди.

Сертификация учун ўнлаб қоғоз ҳужжатлар ўрнига ягона электрон тизим жорий этилиб, экспортчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш муддати 10 кундан 1 кунга туширилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳада амалга оширилаётган ишлар бўйича тақдимот билан танишиб, навбатдаги вазифаларни белгилаб берди.

Янги экспорт бозорлари топиб, маҳсулотларни хозирги нархдан 3-4 баравар қимматроқ сотиш имконияти борлиги айтилди. Товарларни халқаро фитосанитария талаби

асосида тайёрлаш учун маҳсулот етиштирувчи, қадоқловчи ва экспорт қилувчи ҳар бир корхонага карантин инспекторларини бириктириш бўйича кўрсатма берилди.

Литва, Латвия, Украина, Озарбайжон, Миср, Қатар, Мўғулистон, Афғонистон ва бошқа давлатлар билан музокара ўтказиб, гилос, анор, узум, қовун каби мева-сабзавотлар экспорти учун тадбиркорларга йўл очиб бериш вазифаси белгиланди. «Даладан экспортгача» тамойили бўйича тўлиқ ишлашни таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Маълумки, келгуси йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш мўлжалланган. Бунинг учун соҳанинг илмий салоҳиятини ошириш, халқаро сертификация тизимини татбиқ этиш керак. Шу боис давлатимиз раҳбари бу бўйича йирик илмий марказ ташкил этиш тақлифини илгари сурди. Фан билан амалиёт уйғунлигини таъминлаш, экспортчи корхоналар мутахассисларига халқаро фитосанитар талабларни тушунтириш бўйича топшириқлар берилди.

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси хузуридаги ўсимликлар карантини илмий марказини тубдан ислоҳ қилиб, замонавий лабораторияларга эга бўлган Самарқанд ва Қашқа-

дарё вилоятларида ҳамда Фарғона водийсида марказлашган илмий муассасалар ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди. Ушбу илмий марказларга Фанлар академияси ва агросаноат мажмуаси тизимидаги илмий тадқиқот институтларини бириктириш, Инновацион ривожланиш вазирлигига мазкур илмий марказларни ривожлантиришга грант маблағларини йўналтириш вазифаси қўйилди. Инвестиция ва ташқи савдо вазирлигига икки ой муддатда илмий марказ ва ҳудудлардаги лабораторияларни жиҳозлашга 50 миллион доллар миқдоридagi маблағларни жалб қилиш топширилди. Шунингдек, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида ҳам халқаро фитосанитария талаблари ўқитилади.

Бугун соҳада хусусий сектор иштирокида ўсимликлар 205 та клиникаси, 690 та лаборатория мавжуд. Сифат ва рақобатни таъминлаш мақсадида бундай хусусий клиника ва биологрияларни кўпайтириш лозимлиги таъкидланди.

Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига 1 декабрга қадар ўз маълумотлар базасини боғжона органларнинг «Ягона дарча» электрон тизимига тўлиқ интеграция қилиш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

ЎКТАМ БАРНОЕВ ОИЛАСИГА ТАЪЗИЯ БИЛДИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва

озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ўктам Барноев 20 сентябрь кuni оғир хасталик туфайли вафот этган эди. Президент Шавкат Мирзиёев 21 сентябрь кuni таъзияли хонадонга ташриф буюрди. Қуръон тиловат қилинди.

Ўктам Барноев меҳнат фаолиятини ўзи туғилиб ўсган Бухоро вилоятида бошлаган. Кейинчалик Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, Вазирлар Маҳкамасида масъул лавозимларда ишлаган. 2008-2010 йилларда Самарқанд, 2016-2020 йилларда Бухоро вилояти ҳокими бўлган. У жорий йилдан Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари сифатида фаолият юритиб келаётган эди.

Ўктам Барноевнинг деярли бутун фаолияти қишлоқ ва сув хўжалиги билан боғлиқ бўлди. У ушбу соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишда асосий ижрочилардан бири эди. Бу йўлда барча билим, тажриба ва кучини сафарбар қилди. Аграр тармоқни диверсификация қилиш, бозор механизмлари ва кооперация тизимини жорий этиш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, ҳосилдорликни ошириб, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Давлатимиз раҳбари марҳумнинг онаси,

рафикаси ва фарзандларига ҳамдардлик билдириб, сабр-тоқат тилади.

– Ўктамжон олижаноб, забардаст, фидойи, ватанпарвар, ўнрок олишга арзигулик инсон эди, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бош вазир пайтларимда ҳам бирга ишладик. Гапирмасам ҳам мени тушунарди. Бир инсоннинг тарбияланиб, шундай кадр бўлиб етишиши осон эмас. Айниқса, охириги пайтлар оғир соҳани бериб, кўнглим тинчиб, кўп ишларни бошлаган эдик. Бу офат бутун дунёга келди. Қўлимиздан келган ҳамма нарсани қилдик. Лекин ўлим ҳақ. Аллоҳнинг иродаси экан. Бу ҳаммамизга мусибат. Жойи жаннатда бўлсин!

Президент марҳумнинг оиласи, фарзандлари доимий эътиборда бўлишини таъкидлади.

Ўктам Барноевнинг оила аъзолари давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, халқимизга оғирлиқни, сиҳат-саломатлик тилаб дуо қилдилар.

Ў.А.

Ўзбек тили БМТда

Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги

Ўзбекистон янги марраларга интиломқда

Туркияда чоп этиладиган «Жумҳурият» газетасининг 2020 йил 21 сентябрдаги сонидида «Ўзбек тили БМТда» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Куйида ушбу мақола эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги туркий жумҳуриятлар ичида аҳолиси энг зич ўлка. Мамлакат аҳолисининг асосий қисми ўзбеклардан иборат. Аини вақтда қўшни давлатлар – Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистонда ҳам кўп сонли ўзбеклар яшайди. Ушбу хусусиятлар ҳисобга олинганда, расмий Тошкент бутун минтақанинг барқарорлигини таъминлашда катта ҳисса қўша олади.

Турклар таъбири билан айтганда «Ўз кент» (асил кент) ҳисобланган Фарғона водийси авваллари исломий экстремизм билан қўшиб тилга олинган эди. Водий минтақаси Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларида жойлашган бўлса-да, унинг катта қисми расмий Тошкент бошқаруви остидадир.

Ўзбекистоннинг иштирокисиз Афғонистон, Хитой, ҳатто бутун дунёда экстремизмнинг олдини олиш осон бўлмайди. Минтақада ғоявий назорат ўрнатилмаса, экстремистлар Қозоғистон, Россия, ҳатто Сурияга қадар ёйилиши мумкин. Радикализмни бартараф этиш учун нафақат ташқи омилларни чеклаш, балки иқтисодий-ижтимоий ва маданий соҳаларда ҳам чора-тадбирларни амалга ошириш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон туризм салоҳияти кенгайиб бормоқда. Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлар туркий дунё тарихида катта аҳамият касб этади. Амир Темур авлодларининг диёри осон остидаги музей кабудир.

Иқтисодий томондан қараганда, Туркияда етиштирилиши камайиб бораётган пахта Ўзбекистонда ҳозир



ҳам кўп миқдорда қайта ишланиб, экспорт қилинади. Бу ўлка, шунингдек, Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашгани туфайли Шарқ ва Ғарби боғловчи халқа мисолидир.

Ўзбек-турк муносабатлари ҳам сўнги вақтларда раванқ топиб бормоқда. Ўзбекистон жамоатчилиги Туркияга яқиндан қизиқиш билдирмоқда, аммо турк афкор оммаси учун аини ҳолатни билдирмоқ муҳимдир.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ИСЛОҲОТЛАРИ

Ўзбекистондаги Шавкат Мирзиёев бошқаруви сўнги йиллардаги ислоҳотлари билан ижобий таассурот уйғотмоқда. Ш. Мирзиёев ҳокимиятга келиши билан амалга оширилган ишлар минтақага қизиқувчиларнинг эътиборини қозонмай қолмади.

Мамлакатда бошқарув тизими бошдан-оёқ ўзгартирилиб, янгиланди. Ўлка дунёга очилди. Қўшни ва минтақадаги давлатлар билан алоқалари, ҳамкорликка интилишлари диққатга сазовор. Мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий янгила-ниш ғояси «Янги Ўзбекистон» шиори остида тилга олинмоқда.

Шавкат Мирзиёев саялов маданияти, фуқаролик жамияти субектларининг аҳамияти, ОАВ фаолиги масалаларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Гендер ҳуқуқи, аёллар-

нинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокига аҳамият берилмоқда. Сўнги сайловларда аёл депутатлар сони икки баробар кўпайди.

Мажбурий ва болалар меҳнатини бартараф этиш масалаларини ҳам ўз ичига олган Инсон ҳуқуқлари миллий стратегияси ишлаб чиқилди. Камбағалликни камайтириш, қашшоқликка қарши кураш, миллий манфаатларга устуворлик берувчи очиқ ва прагматик ташқи сибсат Президент Шавкат Мирзиёев мақсадлари сирасидан жой олган.

Расмий Тошкентнинг ижобий динамикаси нафақат ички ҳаётда, балки қўшнилар билан муносабатларда ҳам намоён бўлмоқда.

Ўзбекларнинг интилувчанлиги қўшни давлатлар мутасаддилари

ҳам қўшилиб бораётганини эшитмоқдамиз. Туркий тилининг тамал тошларидан бўлган чигатой лаҳжасини адабий тил ҳолига етказган Алишер Навоий аини вақтда Амир Темур давлатининг забардаст вакилларидан бири эди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг эртага бошланган Бош Ассамблеясида ҳамкорлик марралари, умидлари ва мамлакатининг тинчликпарвар мақсадлари ҳақида илк бор Навоий тилида дунёга хитоб қилади.

Туркия Ўзбекистондаги янги ва кенг қамровли ўзгаришларга янада кўпроқ эътибор бериши, ҳамкорликни янада ривожлантириши даркор.

«Жумҳурият» газетаси. (Ў.А.)

Сув ресурсларида янги лойиҳалар

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш ва 100 минг гектар сугориладиган ерни оқар сув билан таъминлашга йўналтирилган янги лойиҳа амалга оширилмоқда.



«Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш» лойиҳасида Жаҳон банки иштирок этаётир. Лойиҳа Эллиққалъа (33,2 минг гектар), Беруний (34 минг гектар) ва Тўрткўл (32,8 минг гектар) туманларининг 100 минг гектар сугориладиган ерларида сув ресурслари бошқарувини яхшилайд.

Лойиҳа Қорақалпоғистоннинг жанубий туманлари – Беруний, Тўрткўл ва Эллиққалъа ҳудудларида амалга оширилмоқда. Унга минг нафардан ортиқ мутахассис ва ишчилар жалб қилинган. Лойиҳалардан энг йириги «Бўстон» каналини қуриш ва қайта тиклашдир. Бош пудратчи Хитойнинг «China Railway 20th Bureau Group Co., Ltd.» компанияси бўлиб, унда 300 дан ортиқ ишчи хизмат қилмоқда.

Хозирда хитойлик ҳамкорлар каналнинг 34 километрдан ортиқ қисмида ишларни тугатган. Шартнома қиймати 352,163 миллиард сўмни ташкил этадиган «Бўстон» каналини янгидан қуришда эса «ТО'PALANG HPD HOLDING» МЧЖ бош пудратчилик қилмоқда.

– Лойиҳа бўйича жами 500 километрдан ортиқ магистрал ва хўжаликлараро каналлар қайта тикланади, реконструкция қилиниб, каналлар дамбалари кўтарилади. Бетонланаётган «Бўстон» канали секундида 105 куб метр сув ўтказиш қобилиятига эга. Каналлар устидан кўприклар қурилмоқда. Масалан, «ТО'PALANG HPD HOLDING» МЧЖнинг ўзи «Бўстон» канали устига 20 та кўприк қуриб бўлди. Хитойлик ҳамкорларимиз 34 километр узунликдаги бетон канални қайта тиклашди. Мазкур лойиҳа ишлари 2023 йилгача давом этади, – дейди «Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш» лойиҳаси ирригация ва дренаж мутахассиси Бахтиёр Машарипов.



Барча каналларнинг қадди аввалгидан кўтарилди. Сув юқоридан пастига қараб оқиб келади, шунинг учун сугориладиган ерларга сув ўз кучи билан етиб боради.

Лойиҳа тўла ишга тушгач, каналларнинг фойдали иш коэффициенти 49 фоиздан 60 фоизга кўтарилди ва йилга 269 миллион куб метр сув иқтисод қилинади.

Энди миллиардлаб пулни кўкка созураётган, қанча электр манбаини сўриб келаётган каттаю-кичик насос станцияларига ҳам зарурат қолмайди.

Масалан, Амударёдан сув бераётган Беруний насос станциялари бошқармаси балансидаги «Дўстлик», «Қилчиноқ» ва «Найман-Бештом» каби 3 та катта ҳамда 20 та кичик насос станциялари, шунингдек, қўшимча сув истеъмолчилари уюшмаси ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 400 тадан ортиқ насосстанциялари тўхтатилади. Натижада йилга 6,9 миллион доллар миқдорда электрэнергия ва фойдаланиш харажатлари иқтисод қилинади.

Шунингдек, Эллиққалъа, Беруний, Тўрткўл туманларидаги 100 минг

гектар сугориладиган ерларнинг барчасига сув етиб боради. Аввалги ҳолатда кўп жойларга сув етиб бормаи, ерлар фойдаланилмасдан қоларди.

Лойиҳада фақатгина каналларни қуриш, қайта тиклаш эмас, балки каналлар бўйларидидаги табиий газ, электр узатиш линиялари, ичимлик суви қувурлари ва алоқа кабеллари кесилмаларини реконструкция қилиш ишлари ҳам кўзда тутилган. Унда, шунингдек, сувдан оқилана фойдалана мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ҳам эътиборга олинган.

Эслатиб ўтамиз, лойиҳани амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 мартдаги «Жаҳон банки иштирокида «Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган.

Мазкур йирик лойиҳанинг умумий қиймати 376,7 миллион доллар бўлиб, шундан 214,9 миллион долларни Жаҳон банки кредити ва 161,8 миллион долларни Ўзбекистон Республикаси улуши ташкил қилади.

376,7 миллион доллар қуйидагича тақсимланган, яъни қурилиш-монтаж ишларига 239,7 миллион доллар, машина ва ускуналар харид қилишга 14,8 миллион доллар, бошқа харажатларга 32,7 миллион доллар, молиявий харажатларга 39,3 миллион доллар, солиқ ва боғжона имтиёзларига 50,05 миллион доллар ажратилиши белгиланган

Е. ҚАНОАТОВ, Ў.А. мухбири.

Бўш турган объектлар қайта тикланмоқда

Тошкент вилоятининг барча ҳудудларида бўш турган ёки самарасиз ишлаётган бино-иншоотлардан унумли фойдаланиш, ташаббускор тадбиркорларга бериш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати ва Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида журналистлар учун Ангрэн шаҳрида ташкил этилган медиа-турда маъзур йўналишда олиб борилаётган ишлар билан танишилди.

Президентимизнинг 2018 йил 4 сентябрдаги «Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бўш турган, фойдаланилмаётган ёки самарасиз ишлаётган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, электрон базасини яратиш, улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича шаҳарда 656 та объект аниқланган.

Бу турдаги бино ва иншоотларни ҳужалик фаолиятига жалб қилиш мақсадида 97 та лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, бунинг учун 180 миллион сўм маҳаллий ва 13 минг 580 доллар хорижий инвестиция киритилиши режалаштирилган. Натижада 1 минг 164 та янги иш ўрни яратилди.

Айни пайтда 162 та давлат мулк объектларидан 75 таси ижтимоий объектлар бўлиб, уларнинг 6 тасида 95 фоиз қурилиш-реконструкция ишлари амалга оширил-

ган ва фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Медиа-тур иштирокчилари дастлаб ҳудуддаги «Дельфин» ёпиқ сув ҳавзасида олиб борилган ишлар билан танишди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур мажмуа 1981 йилда қурилган ва ҳозирги кунда Ангрэн шаҳар болалар-ўсмирлар спорт мактабига қарашлидир. Сув ҳавзаси кўп йиллар қаровсиз ҳолда бўлган. Ташаббускорларнинг сўй-ҳаракатлари натижасида ёпиқ сув ҳавзаси тўлиқ капитал таъмирланди.

Бу ерда 7 та сузиш, умумий тарзда 19 та спорт турлари бўйича мингдан зиёд аҳоли ва спортчилар шугулланиши мумкин, – дейди Ангрэн шаҳар болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори Ўткирбек Абдуллаев. – Мажмуа атрофида енгил ва оғир атлетика, теннис корти ва бошқа спорт комплекслари ҳам бунёд этилган. Бино эса замон талаблари асосида таъмирланган бўлиб, энг сўнгги спорт жиҳозлари ўрнатилган. Сув ҳавзасида профессионал спорт мусобақалари ўтказиш мумкин. Унинг атрофида эса томошабинлар учун 260 ўринли жой қилинган. Ҳозир кўплаб ангрэнликлар, ёшлар бу ерда шугулланиш истганини билдирмоқда. «Дельфин» ёпиқ сув ҳавзаси

жорий йил якунига қадар фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари, сув ҳавзасининг ён томонидаги «Кимёгар» спорт ўйингоҳида ҳам қурилиш-реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳанинг биринчи босқичида 3 миллион сўмдан ортиқ, иккинчи босқичида эса 9 миллион 300 миллион сўм миқдорига маблаг йўналтирилган бўлиб, 90 фоиз қурилиш ишлари якунига етказилган.

Ушбу стадион 16 минг томошабинга мўлжалланган, – дейди «Ангрэн инвест строй» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Неқруз Мирзаматов. – Унинг ҳудуди 4,5 гектар тенг бўлиб, бир вақтнинг ўзига 2 минг спортчи шугулланиши мумкин. Спортнинг 14 та олимпиа, миллий ва оммавий тури билан шугулланиш, мусобақаларга тайёрланиш имкони мавжуд. Айни пайтда қурилиш ишларининг якуний босқичи амалга оширилмоқда. Ишлатилаётган қурилиш маҳсулотлари корхонамида тайёрланади. Бу эса бизга қулайлик яратмоқда. Спорт иншоотида ёшлар футбол ҳамда енгил атлетиканинг кўплаб турлари билан шугулланиш учун барча шароит яратилмоқда.

Тадбир давомида журналистлар бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди.

Навбатдаги манзил «Таррақиёт» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган, 1979 йилда қурилган 1 минг 176 ўринли 4-умумтаълим мактаби бўлди. Ушбу таълим даргоҳининг

биноларини мукаммал таъмирлаш учун сўй-ҳаракатлар бошланган. Бунинг учун 2 миллиард 500 миллион сўм кредит ажратилди.

Ангрэн шаҳар халқ таълими бўлими мудири Роҳила Абдуқодированинг таъкидлашича, ҳозир ушбу мактабнинг битта биноси тўлиқ таъмирланди. Барча синф хоналарига зарур жиҳозлар олиб келинди. Қолган биноларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Таълим даргоҳи режага кўра, йил якунига қадар фойдаланишга топширилади.

Шундан сўнг медиа-тур иштирокчилари айни пайтда фойдаланилмаётган, қаровсиз ҳолатда келиб қолган объектларни кўздан кечирди. Жумладан, Ангрэн шаҳар марказида жойлашган «Алишер Навоий» номидаги истироҳат боғи мана 5 йилдирки ташландиқ ҳаробага айланган. Ўз навбатида, бу салбий ҳолат шаҳар кўркини бузиб туради. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда шаҳар маъмурияти томонидан 36 гектар майдонни эгаллаган ушбу паркиннг замонавий бош режаси ишлаб чиқилган. Шу асосида инвестиция тақлифлари тадбиркорлар томонидан ўрганилмоқда.

Худуднинг катталиги туфайли янги лойиҳаларни амалга ошириш, зарур маблағларни жалб этишдаги мавжуд қийинчиликлар тез фурсатда бартараф этилади. Бунинг учун маъсул ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, зарур чоралар қўриломоқда.

Абдулазиз МУСАЕВ, ЎЗА мухбири.

Электр энергия ва табиий газ аҳоли ва истеъмолчиларнинг талабини қондиришда энг муҳим манба ҳисобланади. Шу боис, ушбу ресурсларни назорат қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва самарадорлигини ошириш ҳам энг муҳим талаблардан биридир.

Соҳа тўлиқ автоматлаштирилади

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 14 сентябрь кuni ўтказилган видеоселектор йиғилишида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш масалалари таҳлил қилинган ва бу борада устувор вазифалар белгиланган ҳам бежиз эмас. Чунки айни шу ресурслар иқтисодиётимиз тиргаги сифатида мамлакат ривожига ва халқимиз фаровон ҳаётини таъминлашда муносиб ўрин эгаллайди.

Бугунги кунда Энергетика вазирлиги тизимидаги «Худудий электр тармоқлари» АЖ томонидан республикамиз бўйлаб электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)ни жорий этиш ишларининг жадаллик билан амалга оширилиши ҳам бунга яққол мисолдир.

Электр энергия ва табиий газ таъминотини автоматлаштириш истеъмолчиларга янада қулайликлар яратди.

Хусусан, тизимни автоматлаштириш, бу – инсон омили таъсиридан ҳисоблагич кўрсаткичларини қайд қилиш, қардорлик мавжуд бўлганда тармоқдан ажратиш, қардорлик бартараф этилгандан кейин тармоққа қайта улашнинг автоматлаштирилган механизмидир.

Шу сабабли, давлатимиз раҳбари йиғилишида ушбу манбалар ҳисоби ва назоратини тўлиқ автоматлаштирилган тизимда ташкил этиш зарурлигини таъкидлади, – деди «Худудий электр тармоқлари» АЖ бошқаруви раиси биринчи ўринбосари Жаҳонгир Обиджонов. – Республика бўйича 7 миллион 400 минг ҳисоблагич ўрнатилиши лозим. Ҳозирги кунгача бу ишлар 52 фоизга бажарилган. Йил охиригача яна 3 миллион 400 ҳисоблагич ўрнатилади. Бу ҳисоблагичларни ўрнатиш ва тизимга улашда бизга ҳамма имкониятлар мавжуддир.

Одатда, электр энергиясидан фойдаланишни янги биламизу, лекин унинг тўлови қелганда пайсалга солаверамиз. Бундай эътиборсизлик сабаб соҳада қатор муаммолар пайдо бўлаверади. Янги тизим эса ана шу масалада катта ечим ҳисобланади. Масалан, автоматлаштирилган тизим жорий этилган 7 та туман ва шаҳарда тўловлар ундирилиши 40 фоизга ошшига-замин яратди. Айни кунда «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти томонидан ишлар тизимли ташкил этилган бўлиб, автоматлашган тизим 2021 йил 1 мартга тўлиқ ишга туширилади.

Соҳада лойиҳаларнинг муҳимлиги иқтисодиётимиз ривожига ижобий таъсир этади, – деди Энергетика вазирини ўринбосари Шерзод Хўжаев. – Лойиҳалар доирасида мамлакатимизда 7 миллион 400 минг электр ҳисоблагич ва 3 500 миллион газ ҳисоблагич ўрнатилади. Ҳисоблагичлар ярқиллик 15-20 йилни ташкил этади. Таъкидлаш керакки, бу ишлар натижасида электр энергия ва табиий газ таъминотида янги ўзгаришлар бўлади. Биринчидан, айланма маблағлар танқислиги сабабидан модернизация ва реконструкция қилинмаётган тармоқларга кўпроқ маблаг ажратишга эришилади. Иккинчидан, адолат тизимини жорий этилади. Яъни тўловни амалга оширадиган истеъмолчиларга ресурслар етказилиши натижасида хизмат сифати янада яхшиланади.

Табиий газ етказиб бериш ва унинг назоратини ташкил этиш муҳим вазифадир. Айниқса, бунда таъминотда автоматлаштирилган тизимни жорий қилиш кўплаб ечимни кутаётган масалаларда кўл келади. Жорий йил якунига қадар мамлакатимиз аҳолисига 1,2 миллион дона, келгуси йилнинг биринчи ярмида 2,3 миллион дона замонавий газ ҳисоблагич ўрнатилади.

«Худудга таъминот» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Баҳодир Эшмуродовнинг таъкидлашича, табиий газдан фойдаланишда ҳисоб-китобни тўғри ташкил этиш учун янги тизимнинг аҳамияти катта. Айниқса, бунда электрон газ ҳисоблагичларни ўрнатиш ўғирлик ва таъмиргиларга чек қўяди.

Мазкур вазифаларни бажаришда республикамиздаги туман ва шаҳарларни қизил, сариқ ва яшил ҳудудларга белгилаб олдик, – деди Б. Эшмуродов. – Қизил ҳудудга кирган 22 туман ва шаҳарнинг биринчи учтасида газ ҳисоблагич ускунаси ўрнатиш ишлари тўлиқ якунига етказилмоқда. Бунда қарийб 30-35 фоиз газни ўғирлаш ёки йўқотиш ҳолатларига барҳам берилади. Ўз вақтида тўловни амалга ошириш ва сифатли хизмат кўрсатишга эришилади. Сарик ҳудудга 131 та туман ва шаҳар киритилган бўлиб, бу ерда ҳам аҳолига табиий газ етказиб-беришда муаммолар мавжуд. Ҳисоблагичларни ўрнатиш бу масалаларга янада фойдали ечимдир.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎЗА мухбири.

Фурқатда гугурт қадоқлаш йўлга қўйилди



Фарғона вилояти Фурқат туманида иш бошлаган «Атлст инвест Фурқат» масъулияти чекланган жамиятида гугурт йиғиши, қадоқлаш йўлга қўйилди. Қирқдан ортиқ ёшлар меҳнат қилаётган корхонада ҳар ойда 80 минг қути гугурт ишлаб чиқарилмоқда.

Янги лойиҳа шу кунга қадар Россия ва Беларусь давлатидан импорт қилинаётган маҳсулотларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш имкониятини беради. Бу ерда қиймати 1 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция жалб этилмоқда. Маҳсулотнинг асосий қисми яқин қўшни мамлакатларга экспорт қилинади.

Ҳамдўстлик мамлакатларда гугурт ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар кўп, – дейди корхона техник директори Абдумалик Йўлдошев. – Бу ташқи бозорда ўзига хос рақобатни юзага келтирмоқда. Шу боис таннархини аранлаштириш, сифатини яхшилаш орқали рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўряпмиз. Шу мақсадда тумандаги фермер ҳўжаликлари билан гугуртбоп темир навлари етиштириш борасида ҳамкорлик қилинади.

Суратда: Фарғона вилояти Фурқат туманида иш бошлаган «Атлст инвест Фурқат» масъулияти чекланган жамиятида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

Халқимизни арзон турар жой билан таъминлаш гоёси, дастлаб Президентимизнинг сайловолди дастурида илгари сурилган эди. Мамлакат раҳбари Президентлик фаолиятининг илк кунларидан инсонпарварликнинг олий намунаси бўлган ушбу ташаббусни ҳаётга жорий этди. Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрда «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартираларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори уй-жойга эҳтиёжи бор юртдошларимиз ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламнинг кўнглига умид чирогини ёқди.

Бугун осмон билан бўйлашган кўп қаватли иморатлар, шинам ва барча қулайликларга эга уй-жойлар, айниқса, пойтахтимиздаги Сергели туманининг ҳозирги қиёфасини кўриб, унинг аввалги ҳолатини буткул унутасиз. Кейинги уч ярим йилда мазкур туманда 460 та 7 ва 9 қаватли уйлар бунёд этилди.

Авваллари инфратузилмага деярли эътибор берилмаган. Натижада қурилиш ва тайёр объектнинг фойдаланишга топширишда яхлит тизимнинг йўқлиги, иш занжир шаклида ташкил этилишига тўсқинлик қилган. Эндиликда барча ишлар тўлиқ амалга оширилмоқда. Уйлар атрофи, болалар майдонлари, автомобиллар учун турар жойлар, муҳандислик-коммуникация тармоқларини торттиш, ёритиш чироқлари, замонавий лифтлар ўрнатиш, квартираларни жиҳозлашга бўлган жараён рисоладагидек бажарилди. Бу каби уй-жойларнинг барпо этилишига «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИКга асос солинган. Мазлумотларга кўра, компания томонидан шу кунга қадар республикамиз бўйича 602 та кўп қаватли арзон уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Хусусан, 2017 йилда белгиланган дастур асосида республикамиз бўйича 191 та кўп қаватли арзон уй-жойлар қурилган бўлиб, шундан 102 таси Тошкент шаҳрида қад кўтарган. Ўтган 2018 йилда эса 17 231 та хонадондан иборат 418 та кўп қаватли арзон уйлар бунёд этилиб, шундан 7 098 та хонадонга мўлжалланган 179 таси пойтахтимизда қад ростлаган. Жорий йилда белгиланган дастур асосида 355 та замонавий кўп қаватли арзон турар жой бинолари қурилиб, уларнинг 170 таси пойтахтимизга тўғри келади.

Сергели туманида илк бор синов тариқасида 16 қаватдан иборат, 80 та хонадонга мўлжалланган турар жой биноси барпо этилди. Бу каби кўп қаватли уйларнинг яна 12 таси пойтахтимизнинг Мирзо Улукбек туманининг Қорасув массивида ҳам қад кўтармоқда. Жорий йилнинг ноябрь ойида мазкур кўп қаватли уйларда қурилиш ишлари якунига етказилиб, ўз эгаларига топширилиши кўзда тутилган. Айни кунларда қурилиш ишлари-

нинг сўнгги жараёнлари амалга оширилмоқда.

16 қаватли турар жойларнинг пойтахтимиз ва вилоятларда барпо этилаётгани ҳудудлар қиёфасини ўзгартириб, эҳтиёжманд оилаларнинг шароитларини яхшилашга хизмат қилаётгани аҳамиятлидир. Қолаверса, уй-жойлар барпо этилиши гишт, тайёр бетон қоримчаси каби қурилиш материаллар ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам ошираётгани масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томондан бошқа ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳам иқтисодий ҳолатига ижобий таъсир этмоқда. Таҳлилларга кўра, 2017 ва 2018 йилларда уй-жойларга кўчиб ўтган 24 мингдан ортиқ хонадон соҳиблари маиший техника ҳамда жиҳозлар сотиб олгани мамлакатимиз яқин ички маҳсулотининг ўсишига муносиб ҳисса қўшаётганидан далолат.

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида ҳам 16 қаватли уйларнинг қурилиши авжида. Бунёдкорлик майдонида тажрибали мутахассислар замонавий технологиялар асосида иш олиб боришяпти. Бу тажриба Янгийул шаҳрига ҳам кириб борди. Сўнгги йилларда бу ерда замонавий 7 қаватли уйлар қад ростлаши билан кўпчилик уйли бўлиб, юзлаб юртдошларимиз иш билан таъминланди.

Бунёдкорлик ишлари сабаб кейинги йилларда лойиҳачи-қурувчиларимизнинг замонавий, кўп квартиралар ва кўп қаватли турар жойларни барпо этиш тажрибаси ортиб, мезморчилик аъёнлари шаклланди. Ўтган вақтда компания томонидан Андижон вилоятида бундай кўп қаватли уйлардан 120 таси фойдаланишга топширилди. Яна 100 дан ортиғи қурилмоқда. Шаҳарнинг «Ўзбегим» маҳалласида 20 та 7 қаватли ва 2 та 16 қаватли уйлар бунёд этилиб, аҳоли ихтиёрига топширилди. Лойиҳага кўра, Андижон шаҳрида 1,1 гектар ер майдонида 4 та 16 қаватли уйларда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш режалаштирилган. Бу эса яна 320 та оилаларни уйли бўлиши демакдир.

Уй-жой қуриш индустриясининг ривожланиши аҳолини иш билан таъминланганлик дара-



жасини оширишда ҳаётини аҳамиятга эга бўлган муаммо ечимига ҳам туртки бўлмоқда. «Ўзшаҳар қурилиш инвест» инжиниринг компанияси маълумотларига кўра, бугунги кунда республикамизда бунёд этилаётган уй-жойлар қурилишига 36 мингдан зиёд ишчи-мутахассис жалб этилган. Уларнинг 15 минча яқини компания билан ҳамкорликда иш юритаётган пудрат ташкилотлари ишчи-ходимлари бўлса, яна бошқалари қурилиш ишларига жалб этилган аҳоли вакиллари.

Шаҳарсозликнинг ўзига хос услубларидан бўлган вертикал қурилиш бугунги кунда оммалашиб бормоқда. Чунки ерлардан унумли фойдаланилган ҳолда биноларнинг горизонтал эмас, балки вертикал ҳолатда бўй кўтариши, уларнинг пастки қисмларида турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, дўкonalарнинг мавжудлиги, албатта, аҳолига қатор қулайликларни яратди. Мамлакатимизда қурилиш соҳаси ривожланиб бораётганининг яна бир ифодасини Фарғонада

амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам кўриш мумкин. «Ўзшаҳар қурилиш инвест» компанияси бюртотмаси асосида Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида бунёд этилаётган 4 та 7 қаватли 168 та хонадонга мўлжалланган турар жой бинолари ҳудуд қиёфасига хусн қўшиши шўбҳасиз.

«Ўзшаҳар қурилиш инвест» инжиниринг компанияси белгиланган йиллик дастурдан ташқари Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳри ва Шарғун шаҳарчасида, Фарғона ҳамда Қувасой шаҳарларида, Самарқанд, Жиззах, Андижон вилоятларида ҳам худди шундай арзон уйлар қуриш ишларини амалга оширмоқда.

Айтиш жоизки, «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК томонидан барпо этилаётган бу уй-жойлар яна минглаб юртдошларимизга қувонч, эртанги кунга бўлган ишончини ошириши турган гап.

Нарғиза ХАЙРУЛЛАЕВА, O'zbekiston bunyodkori мухбири.

Тез, қулай ва шаффоф хизмат кўрсатилади

Бекобод тумани марказидан 60-65 қақирим олисдаги «Қўқон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида туман Давлат хизматлари марказининг филиали иш бошлади.

Эндиликда саккиз мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қиладиган Шова, Қуштамғали, Қўқон, Янги овул, Ачамайли, Найман ва Уяс маҳаллалари аҳолисига ҳафтанинг икки иш кунинда тез, қулай ва шаффоф тарзда хизмат кўрсатилади. Мазкур филиал арқали бир кунда 100 дан зиёд фуқарога барча давлат хизматлари кўрсатилади.

Филиалнинг очилиши, айниқса, биз каби кексалар учун катта қулайлик яратди, – дейди Қўқон маҳалласида истиқомат қилувчи 80 ёшли Хидирали ота Ҳолмирзаев. – Туман марказига бориш учун анча қийинчиликлар билан 2 та улловга миниб вақтимиз кетарди, йўлкира ҳам шунга яраша эди. Маҳалламизда Давлат хизматлари маркази филиалининг очилгани узоғимизни яқин қилди.

Бугун олис ҳудудларимизда Давлат хизматлари марказлари шохобчаларининг фаолият олиб бораётгани қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳоли ҳаётини яхшилашга ва уларнинг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Очил ҲАЗРАТОВ, ЎЗА мухбири.

ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАДИ

Президентимиз мактаб таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, бу борада олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида фикр юритар экан, улуг маърифатпарвар бобомизнинг мазкур фикрини алоҳида таъкидлаб, бу масаланинг моҳияти ва аҳамиятига атрофлича тўхталиб ўтган эди.

Дарҳақиқат, таълим ва тарбиянинг асоси мактаб бўлса, ушбу мактабни мактаб қиладиган куч ўқитувчи эканини ҳар биримиз яхши англаймиз. Бунинг учун таълим тизими ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш биринчи галдаги вазифа бўлиб, бу борада тизимли ишлар амалга оширилади. Улуг алломаларимиз – Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, «Темурбеклар мактаби», Президент мактаблари, хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги таълим даргоҳларининг қурилиши, зарур анжомлар билан таъминланаётгани фарздандаримизнинг сифатли таълим-тарбия олишига замин яратмоқда.

қониятлардан кам бўлмаган шароитларда ўқиш ва билим олишига ҳақли. Таъмирлаш ва реконструкция ишларидан сўнг, мактабларимизда ўқувчилар алоҳида фан, бошланғич синф ва хорижий тилларни ўқитишга мўлжалланган замонавий кабинетларда билим олиш имкониятига эга бўлишиди. Лаборатория ва тўғарақ хоналари, электрон кутубхона, тиббиёт пункти, ошхона, фаоллар зали, спорт майдонларида зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Эътиборли жиҳати, пойтахтлик ёшлар учун унча янги мактаб қуриб фойдаланишга топширилди.

– Кейинги йилларда халқ таълими тизимини янада ривожлантириш мақсадида ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги таълим даргоҳларини барпо этиш масалаларига

олганда, объектларни реконструкция қилиш жараёнида капитал таъмирлашга, электр энергияси, табиий газ, канализация тармоғи, ичимлик суви, иссиқлик таъминотини янгилашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, биноларнинг кириш қисми, яъни фасади янгидан қурилиб, том, ром ва эшиклар замонавийларига алмаштирилмоқда. Синф хоналари ва йўлакларга электр энергиясини тежовчи чиқоқлар ўрнатилмоқда.

Бугунги кунда 16 та умумтаълим мактабларида реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган бўлиб, уларда ҳар бир объектда 100 нафарга яқин ишчи-қурувчилар меҳнат қилиб, биноларни таъмирлашда маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланишмоқда. Мактабларнинг ташқи ва ички кўринишига, уларнинг замонавийлигига катта эътибор қаратилмоқда. Авваллари, таълим муассасалари бир ёки икки хил рангда пардозланган бўлса, эндиликда бошқа турли ёрқин ранглардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Девор ва йўлаклар болаларнинг кайфиятини кўтарувчи ранг ва тасвирлар билан безатилмоқда. Синф хоналарида ҳам алоҳида фанларни ифода этувчи расмлар, шакл ва атрибутлар жойлаштирилди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси Қурилиш бўлими томонидан пойтахтдаги яна 24 та умумтаълим мактабларида қурилиш, айримларида реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар тасдиқланган, ишлар бошқичма-бошқич бажарилиши кўзда тутилган. Тез кунларда Мирзо Улуғбек туманидаги 286-сонли, Юнусобод туманидаги 88-сонли, Яшнобод туманидаги 103-сонли ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатларда ҳам реконструкция ишлари бошлаб юборилди. Бундан ташқари, Мирзо Улуғбек туманидаги «Авайхон» маҳалласида 990 ўринли, Яшнобод туманидаги «Олмос» маҳалласида 1 280 ўринли, Бектемир туманидаги «Мажнунтола» маҳалласида 1 260 ўринли, «Олтинтопан» маҳалласида 960, Юнусобод туманидаги «Катта Ҳасанбой» маҳалласида 630 ўринли янги мактабларнинг бунёд этилиши режалаштирилган.

Буларнинг барчаси ёшларимизнинг кенг ва ёруғ синфларда замонавий стандартларга мувофиқ сифатли умумий таълим олишларида муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Ўз муҳбиримиз.

Архитектура – в теории и практике: ИСТОРИЯ КРУПНОПАНЕЛЬНОГО ДОМОСТРОЕНИЯ ГОРОДА САМАРКАНДА

Необходимость улучшить жилищные условия городского и сельского жителя, поднять культуру жилища, дать ему современное инженерное оснащение – вот основные задачи, которые всегда возлагались на типовое проектирование и жилищно-гражданское строительство.

ИСТОРИЯ СТАНОВЛЕНИЯ

В основе развития каждого большого, а тем более столичного, города стоит самая главная проблема, определяющая все остальные, из нее вытекающие. Эта проблема заключается в необходимом, возможном и реальном количестве постоянно и временно проживающего в таком городе населения и насколько город справляется со своей главной задачей – обеспечением комфортного, безопасного, удобного и благоустроенного проживания в нем его обитателей. К таким городам относится и Самарканд.

1980 год стал примечательным в архитектуре и строительстве Самаркандской области. В годы бурного развития массовой монументальной крупнопанельной и строительной индустрии домостроения, был построен и существовал по 1995 году Самаркандский домостроительный комбинат (ул. Нарпайская, 170). В этот период комбинатом были построены крупнопанельные 9-ти этажные жилые дома серии №148, мощностью 150 тысяч квадратных метров строительства жилья в год.

Проект домов 148-серии был разработан специалистами УзНИИП Градостроительства (Узбекский научно-исследовательский институт проектирования Градостроительства) в городе Ташкенте.

На базе этого типового проекта и были разработаны все остальные и поточная технология изготовления всех железобетонных и керамзитобетонных изделий и элементов серии №148, и таким образом строительство было поставлено на широкое востребованное русло.

БЫЛАЯ МОЩЬ

Творческий союз выдающихся архитекторов таких, как Главный архитектор проекта Р. Б. Усманаев, Главный инженер проекта и начальник Архитектурно-строительного отдела №2 А. С. Чекулаев (умер в ноябре 1983 году), и в дальнейшем, Главный инженер проекта и начальника отдела А. Х. Хакимова дали благодатные плоды.

В облике Самарканда появились оригинальные объекты крупнопанельных жилых и общественных зданий, микрорайона, жилых массивов, таких как «Согдиана», «Суперпосёлок 29 квартал». Также хочется отметить строительство массива «Саттепа», возведенного в 1988-1990 гг. на площади 200 гектаров.



СЕРИЯ №148 СОСТОИТ ИЗ:

- фундаменты – монолитные и сборные;
- подвальная часть – сборные железобетонные панели;
- наружные стеновые панели керамзитобетонные толщиной t=300 мм;
- средние и поперечные внутренние стены – железобетонные t=200 мм;
- лестницы и лестничные марши клетки – сборные железобетонные;
- перекрытия и покрытия из сборных железобетонных плит t=150 см;
- вентиляционные панели – сорные железобетонные;
- санузлы и ванная – сборные железобетонные;
- кровля из водонепроницаемых кровельных без рулонных плит.

Генеральные планы этих объектов были разработаны с учетом использования мощностей Самаркандского домостроительного комбината и инфраструктуры Микрорайона и массива «Саттепа», а также проекта детальной планировки (ПДП), требований нормативного документа по планировке и застройке, ландшафта местности, санитарных норм, озеленения и благоустройства, а также шума защиты.

Среди удачных проектов, внедренных в жизнь, также можно назвать несколько жилых домов этой серии, построенных в городе Пенджикент, Таджикиской ССР (бывший) и в других регионах социалистических республик.

Весьма печально, что на сегодняшний день Самаркандский домостроительный комбинат теоретически и практически ликвидирован: вся оснастка, формы и технологическое оборудование проданы или сданы на вторсырьё (вторчермет). Главный производственный корпус домостроительного комбината (ДСК) переоснащен под дехканский базар «Дамарык», а Административное здание перепланировано и реконструировано под жилье.

Этот большой вопрос до сих пор отдается эхом в душе архитекторов и строителей комбината, с горькой ностальгией и сочувствием.

Хотя домостроительный комбинат сейчас практически не существует, но в жилых домах с хорошей планировкой, возве-

денных инженерами, техническими сотрудниками и рабочими комбината, все ещё мирно живут жители прекрасного жилого массива и микрорайонов города Самарканда.

ПРОГРЕССИВНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ

Как известно, разработка новых типов общественных зданий основывается на базе социальных потребностей, а также на поиске форм и организации пространственной среды, отвечающих этим потребностям на каждом этапе развития общества.

Новые социальные программы и технические решения приводят к появлению новых типов общественных жилых зданий с улучшенной планировкой и инженерных сооружений.

Для формирования новых типов общественных зданий и комплексов все более характерны прогрессивные приемы и тенденции: укрупнение, многофункциональность, блокирование и кооперирование, гибкое универсальное использование зданий для различных функциональных назначений.

Хотя сегодня бурно строятся различные модные «Сити» и другие жилые, общественные и административные здания, но это уже в каркасной системе, а не в крупнопанельной.

Дильшоода СУЛТАНОВА,
канд. арх. н., доцент СамГАСИ.



– Ҳозирда пойтахтимизда мавжуд 310 та умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларнинг 67 тасида қурилиш, мукаммал таъмирлаш ва реконструкция ишлари олиб борилиб, аксарият мактабларнинг моддий-техника базасини бошқичма-бошқич яхшилашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари Эркин Холбобоев. – Ҳар бир ўғил-қиз Президент мактабларида яратилган им-

катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси Қурилиш бўлими бошлиғи Нуриддин Атамухамедов. – Инвестиция дастурига киритилган таъмирталаб мактабларнинг 48 тасида ўтган йил август ойда реконструкция ишлари бошланган бўлиб, 2020-2021 ўқув йилида ўқувчилар билим олишлари учун тахт ҳолатга келтирилди. Қурилиш-таъмирлаш ишларига 386 миллиард 500 миллион сўм миқдоридagi сармоя йўналтирилди. Умуман

Болажонларга ажойиб тухфа

Мустақил юртимизда маданиятни ривожлантириш, халқимизнинг маданий меросларимизни сақлаш ва тарғиб этишга, ўзбек миллий санъатини янада ривожлантириш, унинг бой тарихини янада юксалтириш, ёш авлод онгига эзгулик ғояларини сингдиришда қўғирчоқ театрининг ўрни бениҳоя катта.

Қадимий, ҳамиша навқирон Тошкент шаҳрининг бугунги жамоли, кўрки кўзни қувонтиради. Кўкка буй чўзган замонавий ва ҳашаматли бинолар, кенг, ёруғ кўчалар, сўлим хиёбонлар мармар тошлар орасидан отилиб чиққан фавворалар қанчалар гўзал. Пойтахтимиз кун сайин кўз ўнгимизда кўркамлашиб бораёпти. Болажонларнинг сеvimли кўғирчоқ театри ҳам ана шундай масканлардан бири ҳисобланади.

Бундан қирқ бир йил аввал Халқаро болалар йили ҳамда Осиё давлатларининг Халқаро кўғирчоқ театри фестивали ва Республика кўғирчоқ тетрининг ташкил тоналанига 50 йил тўлгани муносабати билан шаҳримизнинг ҳозирги Афросиёб кўчасида ҳашаматли эртанамо бир бино қад кўтарганди.

Бино лойиҳасининг муаллифи архитектор Валерий Кузлянов ҳисобланади. Муҳташам бинонинг олд тарафида скульптор Юрий Кимнинг ёввойи балиқлар ҳовузи ва фаввораси болажонларни ҳайратга солган. Ушбу сеҳрли саройга Анджон ва Хоразм темирчи усталари ясаган маҳобатли дарвоза орқали кирилган. Ичкарида эса эртаклар шаҳарчаси бўлиб, гўёки болажонлар эртаклар оламига тушиб қолгандай ўзларини ҳис қилганлар. Ганч, сопол ва мисдан ясалган ушбу кичик шаҳарча муаллифларини расом М. Соколова, ҳайкалтарошлар Павел Шемесон, Аделаида Пологоваларнинг ижодий ишлари барчани ҳайратга солган.

Кейинчалик маълум сабабларга кўра, 2000 йилларда театр



биносининг атрофи ёпиб қўйилди. Таъмирталаб бўлиб қолган театр биноси аста нурай бошлаганди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги «2018 – 2022 йилларда давлат театрларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорига кўра театрнинг биноси замон талаблари асосида мукаммал таъмирланиб, ушбу бунёдкорлик ишларига 11 миллиард 700 минг сўмлик маблағ ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги эса 960 миллион сўмга ёритилган ҳамда овоз узатгич ускуналарини тақдим этди. Театримиз янада гўзаллашиб, замонавий кўринишга эга бўлиб «Ризо» МЧЖ қурилиш компанияси ишчилари астойдил меҳнат қилишди. Бугунги кунда болажонларимиз учун театримизда барча шарт-шароитлар яратилган. Бунинг учун қурувчиларимиздан миннатдоримиз.

Икромжон ЭРҚУЛОВ,

Ўзбек миллий кўғирчоқ театри адабий бўлим мудири.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Ангор келажаги савдо комплекси» МЧЖнинг 2020 йил 17 сентябрдаги 54-сонли бюртманомасига асосан, Ангор тумани «Янги турмуш» маҳалласида жойлашган «Ангор келажаги савдо комплекси» МЧЖ худудидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

Кийим-кечаклар сотиш учун мўлжалланган 21-павильондаги 1-2-3-сонли сатҳи 45,0 квадрат метрдан иборат, 1 қаватли (сервитут белгиланмаган) келажакда қуриб битказиладиган савдо дўконларини 49 йилга ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи. Ҳар бир дўконларнинг ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқининг бошланғич баҳоси – 69 300 000 сўмдан.

Аукцион савдоси 2020 йил 23 октябр кунини Термиз шаҳар Баркамол авлод кўчаси, 19-уйда соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Қайд этилган манзилда аукцион предметни ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Мазкур дўконларни ижара олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи 2020 йил 23 октябр кунини ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 9,

25 ноябрь, 11, 28 декабрь кунлари, соат 11.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати савдо белгиланган санадан 1 (бир) иш кунини олдин, соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) иш кун мuddат ичида «Сотувчи» билан олди-сотиди шартномасини имзолаш, шартнома имзолангандан сўнг 30 кун мuddат ичида пул тўловларини «Ангор келажаги савдо комплекси» МЧЖ ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаш шартлари юклатилади. Ушбу дўконлар 7 (етти) ой ичида қуриб топширилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закатат келишуви, закатат пули тўлангани тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома ва аукцион савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закатат пули тўлаганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқ-

дорда закатат пулини ва риэлторлик ахборот-маслаҳат хизматлари учун энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги маблағни кўрсатилган мuddатга қадар «KMSX» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0049 2060 9027 ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиали МФО 01063 СТИР 207 122 519.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар Баркамол авлод кўчаси, 19-уй.

Телефон: (76) 223-15-82.

Расмий сайти: www.1kms.uz.
Хизматлар лицензияланган.
RR-0001-сонли лицензия.

ДАВЛАТ МУКОФОТИ СОҲИБЛАРИ

ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ ЎҒЛОН

Юртимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитлари фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланди. Улар орасида Тошкент архитектура-қурилиш институти таянч докторанти Бекзод Турсунов ҳам бор.



Materials and Technologies» (International Scientific and Technical Conference of Young Scientists) халқаро конференция тўпламида «The usage of composite armature in construction» мавзусидаги мақола-си эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси «Инсон ҳаёти ва фаолияти хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашув, илмий ишланмалар ва замонавий технологиялар» мавзусидаги ёш олимларнинг II Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўпламида «Композит арматураларни қурилишга татбиқ қилишнинг афзалликлари ва иқтисодий асослари» мавзусидаги мақола-си эълон қилинди.

Илмий изланиш ва эришган ютуқларим юксак баҳолини, «Мард ўғлон» давлат мукофотида лойиқ кўрилганини замирида яқинларим, ота-онам ва албатта, Тошкент архитектура-қурилиш институти педагогик жамоаси, Жиззах политехника институтидаги профессор-ўқитувчиларнинг хизмати бекиёс, – дейди Бекзод Турсунов. – Келгусида бу ишончли оқлаган ҳолда изланишларимни янада кенгайтириб, Ўзбекистоннинг қурилиш тармоғи, хусусан, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, уларга замонавий ва инновацион технологияларни жалб этишга муносиб ҳисса қўишни мақсад қилганман.

Нагрза МИРЁҚУБОВА, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

МУҚТАИ НАЗАР

Миллатимизда тарихи жуда узоқ замонлардан буюн қўлланиб келинаётган ва кўпларга ибрат бўладиган жуда кўп анъаналар бор. Улардан бирига ҳашар дея таъриф берилган. Бугунги кунда эса уни бир сўз билан «Ҳашар – элга ярашар» деймиз.

Тарбияга эш бўлувчи анъаналар бардавом бўлсин

Мамлакатимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари кун сайин кенг қулоч ёймоқда. Шунга монанд ҳукуматимизнинг ташаббуси билан ҳар йили баҳорда шаҳар ҳамда қишлоқларимизни янада кўркамлаштириш мақсадида ҳашарлар уюштирилиб, маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ўзгаларнинг ёрдамига муҳтож оилаларда уйларини тартибга келтиришга эътибор қаратиб келинади. Бироқ аксарият фуқароларимиз кейинги йилнинг баҳоригача ҳашар маҳалладошларни бир-бирларига янада жиқлаштириш, меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаши, ҳашарнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат эканини унутишади.

Кўпни кўрган нурунийлар, ҳар нарсанинг ўзига хос тарихи ва маъносига бор, дейишади. Кўпнинг бу сўзларига аҳамият беравермаймиз. Шу ўринда ҳашар билан боғлиқ бир мисолга эътибор қаратмоқчимиз. Маҳалламизда Шоймардон Худойбердиев деган киши яшарди. Ҳақирон, оқсоқонлаб юргани билан жамоат ишларида у кишининг олдига тушади, топилади. Энг қизиги, ҳеч кимдан ҳеч қандай топшириқ олмаган бўлса ҳам ҳар бир хонадонга яшовчиларнинг, оилавий шароити, уй-жойлари, туриш-турмушини синчиқлаб ўрганиб, нимагадир эҳтиёж-маддларни кўрсатиб, дарҳол маҳалла аҳлини, айниқса, кўпроқ ёшларни тўплаб ўша хонадонга ёрдам уюштирарди.

Ана шунинг учун ҳам бирор киши, масалан, иморат қурмоқчи бўлса, дарҳол бориб у билан маслаҳатлашар, кейин эринмасдан маҳалладаги ҳар бир хонадонга кириб, айтилиб, яқинба кун фалончиликда ҳашар бўлади, имкониятга қараб, оиладан бир киши қатнашса, деб айтиб чиқарди.

Ишонасимиз, айтилган кун иш бошлангачининг хонадонда камидан 50-60 нафар маҳалладошлар кетмон, бел, андава сингари зарур асбобларни қўриб келишар, Шоймардон бобо эса ишбоши бўлиб, ҳашарчиларга қизиқ воқеаларни сўзлаб беради, латифлар айтиб, уларга руҳий маддад бериб турар, натижада кечгача анча-мунча ишлар маромига етказиларди.

Энг муҳими, ҳашардан сўнг овқат ейилиб, дастурхонга дуо ўқилган, бошланган иш ниҳоятга етмай қолган бўлса, кейинги шанбада давом этирилишига келишиб олинарди. Ҳашарчилар орасидан бир-икки киши бирон сабаб билан келмай қолса, келганлари ҳеч ҳам оғринмасдан ишни охирига етказишарди. Ҳозирги кунда маҳалла анча кенгайган. Аммо маҳалладошларнинг хизмати сингган, ҳашар йўли билан қурилган ўша иморатлар ҳозиргача ўзига хос кўр бериб турибди. Муҳими, улар одамларнинг аҳил-иноқ бўлишгани, ҳар бир ишда бир-бирларини қўллашганини кўпларга еслатса-да, бироқ айримлар буни унутган кўринади.

Яқинда шу маҳалладаги бир воқеани кўриб, ҳайратдан лол қолдик. Кўча бошида 10-15 нафар йигитлар ниманидир ўзаро баҳслашар, улардан тўрт йил бўлиб турган 4-5 нафар ёшларга, гоҳ ёнидаги кишига бир нарсаларни уқтирарди. Яқинроқ бориб бу жараён билан қизиқдик.

Матълум бўлишича, ўртадаги йигит даллол экан. Ёнидагиси эса хонадонда қурилишга олиб чиқариб турган учун шу жойга тўпаланганлардан хоҳловчиларни танаб, юмушини бажартироқчи бўлаётган, аммо пулига келишолмаётган экан. Албатта ҳозирги кунда ишлаб пул топиш масаласи биринчи ўринда эканини ҳеч ким инкор қилолмайди. Қолаверса, «мушук текинга офтобга чиқмайди», – деган гап ҳам йўқ эмас.

Аммо азалдан қўшнани қўшнига, маҳаллани маҳаллага янада жиқлаштириб турган ва ота-боболаримиздан мерос

бўлиб келаётган қадриятларни бугун пулга алмаштирсак, чой-чақани устун қўйиб, бир маҳалладошимиз ёрдамга муҳтож бўлиб, илтимос қилиб турганда унинг юзи-кўзи демасдан илтимосини пулга чақсақ, кун келиб, ўзимиз тарбиялаётган фарзандларимизга ҳашар ва унинг халқимиз орасида нечоғли аҳамиятга эга экани тўғрисида нималарни ўргата оламиз?!

Кўпчилик бўлиб ҳашарда қатнашининг ўзгача гаши ва мазмуни бор. Масалан, кимнингдир уйда ҳашар бўлаётганда, одамлар бир-бирларини янада яхшироқ қўйилиб муҳокама қилинади, айримларига шу ернинг ўзида ечим топилади. Муҳими, ҳали танишиб улгурмаган янги қўшнлар бир-бирлари билан янада жиқлашади.

Афсуски, ҳозирги кунда ҳашарнинг вужудимиздан узоқлашиб бораётгани жуда кўп муаммоларнинг келиб чиқишига ҳам йўл очмоқда. Айтилиб, янги ер устасида икки киши бирваракайга иморат бошлади. Бир-бирини танимади. Уй битгач, кўчиб киргандан сўнг ҳам тўй-ҳашамада салом-алиқ қилмаса, бошқа пайт бир-бири билан иши йўқ. Ҳатто шундай қўшнлар борки, ўн йиллар давомида ёна-ён яшаб, бир-бирининг исмини, нима иш билан машғуллигини ҳам билмайди. Сўраб қолсангиз, яхши танимаслигини айтишади.

Илгари «бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она», деган гап бор эди. Ҳозир буни айтсангиз, баъзилар – «аввал ўз боласига тарбия берсин», дейди. Айрим катта ёшдагиларнинг мана шундай фикр юритиши оқибатида ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузуқликлар, турли кўринишдаги жиноятлар қамаймапти. Бу жиҳатдан, айниқса, Тошкент шаҳридан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айтилиб, шаҳардаги исталган маҳалларнинг профилактика инспектори билан ана шу мавзуда суҳбатлашсангиз, ҳеч бўлмаганда икки нафар ёшлар «хулқи ёмон» сифатида профилактик назоратга олинганини кўрасиз. Бу эса нафақат ҳашар сингари айрим анъаналаримизга беъэътиборлик, балки тарбияда ҳам танаффусга йўл қўётганимиздан далолатдир.

Ҳозирги кунда ҳам қадимий анъаналаримиздан бири – ҳашар уюштириш ва маҳалладошлар бир-бирларини қўллашда Хоразм воҳасида каттагина тажриба тўпаланган. Ҳар йили қишлоқларда ҳашарлар уюштирилиб, янги-янги уйлар қурилмоқда. Бундан ташқари, воҳадаги хоҳлаган маҳаллага бориб, қишлоқнинг энг чекасиди хонадонда кимлар яшашини истаган кишидан сўраб қўринг, ном-ма-ном, ҳатто турилган йили-но, қандай юмуш билан бандлигигача тўлиқ айтиб беради. Бу ҳам анъаналаримизга содиқ қўлининг бир кўринишидан далолатдир.

Қиссадан ҳисса шуки, у ҳашар бўлиши ёки бошқам ҳар қандай миллий анъаналаримиз замирида энг аввало, ибрат, таълим-тарбия, одоб-ахлоқни юксалтириш баробарида одамларни бирлаштириш ва меҳр-оқибатга чорловчи яхшиликлар лиммо-лим. Уларни унутмасдан, аксинча, шу йўналишдаги замонавий янгиланган билан тўлдириб, ривожлантириб борсак, ўзимиз учун ҳам, келажакимиз учун ҳам яхши бўлади. Зеро, бунга ҳеч қандай маблағ ва харажатлар талаб этилмайди. Фақат маҳалла оқсоқоллари, кўпни кўрган нурунийларда журъат ҳамда масъулият ҳис этилса, шунинг ўзи кифоядир...

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Кўприк қурган етар муродга

Кейинги пайтларда орамизда ҳовлиқма, шовша-шошар кишилар бироз кўпайгандек кўринади. Ҳатто раҳбарлар орасида бирданига нарвоннинг тепасига чиқишни истайдиганлар учраб турибди. Ажабланарлиси, улар вазифани тезроқ бажариш учун бошқаларни ҳам, «бўл-бўл»лаб пала-партишликка ўргатишмоқда.



Яқинда ана шундай сабр-тоқатсиз, оғизда «иш битирадиган» кишилардан бирига дуч келдим. У Қорадарё устидан ўтайдиган янги кўприк қурилиши чўзилиб кетаётганини, қурувчилар дангасалиги, бошиги-у ҳокимиятдагиларнинг бепарволигидан нолиди. Бир жиҳатдан бу гапларда жон бўлиши мумкин. Аммо хаёл бошқа, ҳаёт бошқа. Айрим юмушлар борки, уни бажариш бетоқатликини сира ёқтирмайди, етти ўлчаб, бир кесишни тақозо этади. Бино ва иншоотларнинг пойдеворини қуриш, кўприксозлиқда, айниқса бу метин қонидани сира унутмаслик керак. Самарқанддаги Сибё сойи устида бунёд этилаётган кўприк қурилиши билан танишиш учун борганимизда кўнгилдан шундай фахрлар ўтди.

Баъзан ўзимиз режа вақтида ниҳоятга етмаётганидан азият чекамиз, – дейди «Самарқанд кўприклардан фойдаланиш» унитар корхонаси иш юритувчиси Фаёз Тўйчиев. – Меъёр ва қондаларга риоя қилиш шарт. Чунки ҳарқатимизда шовшиш, кўл учиде ишлаб, тез битказиш сира кечирилмайдиган ҳолат. Ҳар бир жараён пухта ўйланиб, аниқ ўлчамлар, стандартлар асосида ечимини топиши зарур. Мана, бу улкан қозиларга эътибор қаратинг. Мўъжаз ариқ устига бунёд этиладиган кўприкнинг даҳмазаси шунга, – 70 та темир-бетонли узун устунни белгиланган жойларга 15, баъзан 18 метргача чуқурликка қоқиш лозим. Улар маълум муддат сувда жиқс жойлашган, атрофини сетка билан

бетонлаш, болтларга тортишга киришади. Шундан сўнггина юқорига буй чўзадиган 10 метрлик қурилмаларни ўрнатиш, яшаш бошланади. Бу мураккаб жараёнлар қурувчилардан катта тажриба, маҳорат ва билим талаб этишини кўпчилик ўйлаб ҳам кўрмайди.

Ҳа, айни дамда самарқандлик кўприксозларнинг қўли қўлига тегмаяпти. Улар Самарқанд шаҳрининг эшкак эшиш канали бўйида тикланаётган туристик марказ ва спорт мажмуаси билан боғлайдиган ҳамда М-39 «Алмата-Бешкек-Тошкент-Термиз» автомобиль йўлининг 1083 километрга олиб чиқариб турган ноёб иншоотни қуришда жонбозлик кўрсатишяпти. Замонавий техника воситалари улар юмушини енгиллаштиришда асқотмоқда. Қолаверса, махсус конструкциялар, сифатли ва пишиқ бетон қоришмалар заводдан тайёр ҳолда олиб келинаётгани яхши натижа берапти.

Тошкентдаги «Йўл-лойиха» бюроси МЧЖ лойихаси асосида тикланаётган кўприкнинг қиймати 26 миллиард сўмни ташкил этади, – дейди муҳандис Музаффар Низомов. – Буюртмачи ташкилот – «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга қарашли «1-кўприк отряди» ўз ёрдами аямаяпти. Ташаббускор раҳбаримиз Аҳад Уроқов бошчилигида иншоотни йил охиригача фойдаланишга топшириш мақсадида тиним билмаяпмиз. Қурилиш материаллари пешма-пеш етказилаётди. Ишчи-хизматчиларга барча шароит ва имкониятлар яратилгани ютуқларга йўл очаётди.

Суратда: кўприксозлар ҳаётидан лавҳа.

Ҳамза ШУКУРОВ, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.